





### Қайта қуриш жабҳаларида

Хўжалик ҳисоби меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг самарали усули сифатида ишлаб чиқаришга сингиб боради. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Эндиликда эскича андозалар билан иш юритиб бўлмайди. Ҳаёт етган масалаларга янгича талаб билан ёндашиш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида бошқаруви тақомиллаштиришни тақозо этаётган. Орқага йўл йўқ. Редакцияга келадиган хатлар ҳам шундан далolat беради. Қўшлаг муштариларининг хўжалик ҳисоби ва уни тиббиёт соҳасида қўланиш тартиби ҳақида тушуна беришимизни сураган.

Уларнинг истаklarини инобатда олиб, ушбу мақолани чоп этишмоқдамиз. Унда тармоқда хўжалик ҳисобини жорий этиш, бу усулнинг истиқбол ва иқтисодий натижалари ҳақида сўз юритилади.

Инқилобий қайта қуриш жамиятимиз ҳаётига тоза нафас, жўшқинлик бахш этди. Умумхалқ мафратлари кўзда тутилди, барча соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бу эртанги кунга умид уйғотади. Уртага қўйилган вазифаларни рўйга чиқариш нишларининг аҳвол-руҳияти, ситҳ-саломатлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бошқача айтганда, инсон омилига эътибор унинг фаол меҳнат қилиши, тўқнаш ва бахтли яшаш учун гамхўрлик кўрсатишдан бошланади. Шу маънода соғлиқни сақлаш ишлари қайта қуриш, уни тубдан яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ишчиликнинг ҳолати йўқ: тармоқда тўпланиб қолган муаммолар хизмат маданиятини оширишга тўқнаш қилади. Аҳоли саломатлигининг аҳволини таҳлил этиш шундай дейишга асос беради. 1981—1989 йиллар давомида Ўзбекистонда меҳнатга вақтинча қўйилганлик кўрсаткичи ҳар юз кишига 70,2—70,8 фоизни ташкил этган. Болалар ўлими, сурункали касалликлар камайди. Бунинг сабаблари кўп. Меҳнат қилиш, яшаш ва дам олиш учун қўлай шароит йўқ, спортни ривожлантириш ҳамда аҳолини гигиеник тарбиялаш етарли эътибор берилмапти. Сув, тулқун, атроф муҳити тозагини таъминлаш бўйича зарур чоралар қўрилмапти. Истеъмод қилинадиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тартибда кимёвий моддалар (пестицид, нитрат) миқдорининг метёридан ортиқдиги ҳам кишида таъмин уйғотлади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш давр талабларидан ортида қолмоқда. Жорий йилда ана шу мақсадлар учун 1,6 миллиард сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган. Гарчи бу 1980 йилга нисбатан 54,3 фоиз кўп бўлсада, тармоқдаги аҳолини ўнлаш учун етарли эмас.

Тиббиёт ходимларининг ўртача иш ҳақи паст. Уларнинг меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳақида жиддийроқ ўйлаб қўрилмапти.

Ҳозирги кунда масала бошқача тарзда қўйилиши лозим. Соғлиқни сақлаш, аҳоли барча гуруҳлари учун мақдони тиббий хизмат кўрсатиши таъминлаш муҳим иқтисодий вазифадир. Мамлакат Олий Советида хотин-қизлар, она, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш комитетларининг тузилганлиги бежиз эмас. Иқтисодий соғломлаштириш, мулкчилик, ижара, давлат корхонаси тўғрисидаги қонулар, шунингдек хўжалик ҳисоби соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиши бошқарининг усул ва услубларини тақомиллаштириш тақозо этаётган. Бундан мақсад соғлом турмуш тарзини қарор қилиш, тиббий хизматни аҳоли эҳтиёжлари даражасига кўтариш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилашдан иборат.

Соғлиқни сақлаш, бошқаруш нуқтаи назаридан, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан кийла фарқ қилади. Марказий органлар зиммасидан баъзи вазифаларни маҳаллий ташкилотлар ижтимоий ўтказиш, мажбур куч ва имкониятлардан, илгор технология ҳамда ускуналардан оқилона фойдаланиш янги иқтисодий усулга ўтишда асосий мезон бўлиши лозим. Бунда касалхоналар, амбулатория ва поликлиникалар ишчилик қатъий тартибга солиш, беморларни кузатиш ва даволашнинг барча босқичларида изчиллик бўлиши таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунга эришиш керакки, ҳар бир врач ёки ҳамшира ўз меҳнатидан, хизмат маданиятини оширишдан, аҳоли саломатлигини яхшилашдан манфаатдор бўлисин.

Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида иқтисодий ҳамкорлик принципларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бирлашмалар фаолиятини баҳолаш мезонини белгилаш тиббий хизмат сифатини назорат қилиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш, йирик илмий ва илмий-техникавий ечимларга буржумлар бериш ҳамда таъминот масалалари бошқарув органлари зиммасида бўлади. Иқтисодий мустақиллик бошқарининг тақомиллаштириш, тармоқ истиқболни белгилашда катта имкониятлар очини тажрибада исботланапти.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда 1326 шифхона, 3001 амбулатория-поликлиника муассасаси, 207 санитария-эпидемиология станцияси, 2204 дан зиёд корхона, 18 та илмий-тадқиқот, 4 та медицина ва 1 та фармация институтлари, 41 та махсус илмий юрти бор. Тармоқда 68,5 миң врач, 185 миң ўрта медицина ходими меҳнат қилапти. Мажбур болликнинг ва амбулаториялар бор кунда 280 миң беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. 1989 йилда шифхоналарда саланам беш миллион киши даволанди.

Соғлиқни сақлаш ишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган махсус илгор мақдудлик. Унда янгича иқтисодий шароитда даволаш муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш, бошқарининг яхшилаштириш бор. Бундан кейин мажбур вазиятдан келиб чиққан ҳолда тиббий хизмат соҳаси учун ажратилган маб-

лотлар томонидан тасдиқлангани лозим. Узоқ муддатли иқтисодий нормативлар планлаштиришнинг асосини ташкил этади. Бунда давлат ва регион миқёсида демография, экология, иқтисодий, ижтимоий жиҳатлар ҳамда аҳоли сони ҳисобга олиниши шарт. Беш йиллик планда контроль рақамлар, узоқ муддатли иқтисодий нормативлар ва лимитлар, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг пулли тиббий хизматига бюжетмалари ўз ифодасини топади. Йиллик планлар беш йиллик план ҳамда тузилган шартномалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва тасдиқланади. План иттизоми ва шартнома мажбуриятларга қатъий риоя қилинган ҳолдагина қўзғалган мақсадга эришиш мумкин.

Давлат бюжетимаси соғлиқни сақлашнинг хўжалик фаолиятига тааллуқли бўлиб, марназлаштирилган усулда капитал маблағ сарфлаш ҳисобига шикланлади. У регионал комунаносбилликларни ҳал этиш, янги ишшоотларни ишта тушириш, мавжудларнинг таъмирлаш, техник жиҳозлаш, даволаш муассасалари тармоғида санитария-гигиена қондаларига қатъий амал қилинишини таъминлашга кўмаклашади.

Шартнома системаси хўжалик муносабатларининг бирламчи кўринишидир. Таъминотчилар билан янги алоқа ўрнатиб қўшимча тақдиротлар ва ишланмаларни бажариш, хўжалик ҳисоби асосида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилашда самарали шартномалар тузиш муҳим аҳамият касб этади. Медицина муассасаларида ички планлаштиришдан воз кечиб, фаолиятнинг пировард натижаларини яхлит планлаштиришга ўтиш пайти келди. Янги системанинг принциплари жиҳати ҳам шунда.

Планлаштириш деганда нимаини тушуниш керак? Хўжалик ҳисоби шароитида бу иш врачдан бошлаб, у хизмат ҳудудидан аҳоли контингенти, касаллик тарқиби, диспансеризация сифати ва ҳоказоларни сиқиллаб таҳлил этади. Ана шу маълумотлар асо-

лаш сарф-ҳаражатлари умумий жамғарма нормативларига қўйилган бўлиб, у ходимларнинг мансаб оқладини ўз ичига олади.

Тула хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида ишлаётган соғлиқни сақлаш муассасаларининг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги» ҳамда «СССР қонулар тўғрисида»ги ҳамда СССР қонулар билан тартибга солиб турилади. Тармоқда маблағ билан таъминлаш учун қўшимча маблағлардан фойдаланиш янги иқтисодий усулнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Ҳозир жойларда пулли хизмат тармоғи кенгайтирилмапти. Бундан асосий мақсад аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдан иборат. Бир нарсани айтиш керак: пулли хизмат алмаштириш йўли билан жамғармадан маблағ ажратиш мезонини камайитиришга йўл қўйилмапти. Пулли хизмат кўрсатишда белгилашган баҳо ёки тарифлар, улар бўлмаган тақдирда келишилган нархлар асос бўлиши лозим.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунга мувофиқ, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга соғлиқни сақлаш муассасалари, медицина олий ўқув юртлари, илмий-тешириш инстиутлари ва лабораториялар билан ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига қўшимча тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузишга рўжукат этилди. Бу иш билан хўжалик ҳисобиданги поликлиникалар, медицина кооперативлари, шунингдек янча шахслар шугулланадилар. Акционер жамиятлари ҳамда хайрия жамғармалари барча даражаларда соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлаш манбаларидан бири бўлиши кўзда тутилмоқда. Жумҳурият соғлиқни сақлаш министрлиги, унинг вилоятлардаги муассасалари, халқ депутатлари Советлари акционер жамиятларини таъсис этишлари мумкин.

Хайрия — бу фуқароларнинг ихтиёрий эҳсонлари, жумладан Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасига ўтказилган маблағлари, турли сугурта ва акционер жамиятлари, кооперативларнинг бадалларидир. Шунингдек, тегишли ишшоотлар, ускуналар, транспорт воситаларини ижарага бериш, амалий ва воситачилик хизматлари ҳам ихтиёрий бадаллар ҳисобига қиради.

Соғлиқни сақлаш ишлари тақомиллаштириш учун сугурта медицинаси принципларида туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш зарур. Бунинг моҳияти таъминот манбаларини аста-секинлик билан ўзгартириб, сарф-ҳаражатлар ҳиссасини маҳсулот ва хизматлар таънарихга ўтказиш кўзда тутилади. Сугурта жамғармаларини шиклантириш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бири. Маблағ билан таъминлашнинг мақсадли бўлиши жамғармадан чеклашларни камайитириди, натижада қўшимча тиббий ёрдамдан манфаатдор корхона ва ташкилотлар, меҳнатқашлар ҳисобига хизмат маданиятини ошириш имкони туғилади.

IV. Ҳозирча пировард натижа ҳақида сўз юритишга эрта. Аммо бу борадаги дастлабки тажрибалар кишида умид уйғотлади. Чунинки: Олтой ўлкасида янги усулнинг жорий этилиши сўнгги беш йилда болалар ўлимининг 21,8 фоиздан 15,6 фоизга, бирламчи мажбурият қилиниши ҳар ўн миң тўловчи ҳисобига 47,9 тадан 33,3 тага, меҳнатга вақтинча яроқсизлик хасталикларини бирмунча камайитириш имкони берди. Жумҳуриятимиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларини ҳам янги беш йилдан бошлаб тула хўжалик ҳисобига ўтказиш мўлжалланмоқда.

Бунинг учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим: — профилактика йўналишини кучайтириш, фан билан амалиётини алоқасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда саломатлиқни, мустаҳкамлашда омманнинг фаол иштирокини таъминлаш; — хизмат кўрсатиш даражаси бўйича ишлар ҳажминини табақалаштириш, планлаштириш ва бошқаруви тақомиллаштириш;

— пулли ва бепул хизмат турларига баҳо нормасини аниқлаш, тайлаш имкониятларини кўпайтириш;

— хўжалик юртиш шароитида аҳолига тез ва прошилин рели ва ўрнини асослаш;

— медицина муассасалари ва хизматлари учун программани жамғармаларини жорий этиш.

Тармоқдаги ходимларнинг ишга муносабати, шахсий фаолияти кўп нарсани ҳал қилади. Яқинда ўтказилган социологик сўровлардан маълум бўлишича, шифоқорларнинг озчилик қисми — 24,2 фоиз тажрибани ижобий баҳолаган. 33 фоиз салбий фикрда. 42 фоиз бетараф. Бу шунга кўрсатдики, кўпчилик хўжалик ҳисоби ҳақида етарли тушуничага эга эмас. Уни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган. Янги усул аввало, муҳим тарбия воситаси сифатида қимматли. Бундай шароитда ишлаш кишиларни бир-бирига яқинлаштириди, уларнинг ташаббуси, куч-гайратини жўш урдирди, масъулият туғисини оширди. Хўжалик ҳисоби ўтишдан унинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тула англаш, аҳоли эҳтиёжи ҳамда ички имкониятларини ҳисобга олиш, етти ўнчаб бир кесил лозим. Ана шундангина қўзғалган мақсадга эришиш мумкин.

V. УМРЗОҚОВ, Ўзбекистон БСР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.



Шу кунларда Урган райондаги К. Маркс номи колхозда беданият биринчи ўрини қизғин олаб борилаётган. 320 гектар майдондагидан бедарозда хўжалиқдаги мажбур чорва моллари учун етарли даражада тўйилди озуқа ўриб олинди. Чунки ҳосил мул.

Ўрмин узоқчилик билан ўтказиш мақсадида хўжалик механизаторлари ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишаётган. Бунда моҳир механизатор Мадраим Собиров жойбозлик кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Техника жилвоқори Мадраим Собиров. 2. Ўрим пайти. Б. АЛИМОВ олган суратлар.



### ДОРИЛФУНУНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қоҳирдаги Айн-шам дорилфунун билан Тошкент давлат дорилфунун ўртасидан алоқалар кўп йиллик танафусдан кейин қайта тикланди. Мазкур олий ўқув юртлари 70-йилларнинг охирида СССР ва Миср ўртасидаги муносабатлар ёмонлашганига натижада тўхтаб қолган қадимий алоқаларни тиклаб, кўп томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ҳамкорлик режаларида талабалар ва муаллимларнинг бир-бирларига бориб ўзаро тажриба ўрганишлари, илмий адабиётлар ва ахборотлар аламиниш, Ўзбекистон ва Миср илмий муассасаларида сканлаётган кўрсалмаларни биргаликда ўрганиш незарда тутилди. Тошкентлик муаллимлар Коҳира дорилфунунда геология, экология, ўзбек тили ва адабиёти, физика, математика фанларидан лекциялар ўқишди. Коҳирлик муаллимлар эса Тошкентда араб адабиёти ва тилдан дарс беришади. Шу йилнинг ўзидек дорилфунунда бир-бирларига иш ўрганиш учун мутахассислар юборишади.

И. ГРЕБЕНЮК, ЎЗАГ мухбири.

### ПУЛЛИ ХИЗМАТ

Отунбобоев номи колхозда хўжалик меҳнатқашларига пулли хизмат кўрсатишни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда қий қийш цехи, темачилик участкаси сингари хизмат кўрсатиш тармоқларини ишга туширилди. Яқинда улар қаторига асфальт цехи ҳам қўшилди. Кооператив асосида ташкил этилган бу цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бошқа ерлардаги қараганда икки ҳисса арзон тушмоқда. Унинг ечимидан хўжалик ҳам, колхозчилар ҳам манфаатдор бўлишапти.

А. МАДРАХИМОВ.

### «МАҚТАНГАННИНГ УЙИГА БОР»

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1990 йил 10 март сонидан юқоридан сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Ленин йўли районидagi Ленин номи совхозининг 5-участкасындаги кооператив ўйлар чала-қулла фойдаланишга топширилганиги тақдир қилинган. Биз уни ўқиб роса қувондик. Чунки аҳолидан биронтаси хабар олар, камчиликлар ту-

# ТИББИЙ ХИЗМАТ ВА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ

# БИР ПИЁЛА ҚИШЛОҚ

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## УНУТИЛМАС ЕТТИ КУН

Гапни ҳозирги вақтда оддий ҳодисага айланиб қолган воядан бошласан ўтган йили Пайариқ районидagi Қўбшиев номидаги колхоз ички хўжалик ижарасига ўтди. Тўрт соҳа — бодирчилик, чорвачилик, техника ва... маданият ижарачилар иштирокида берилди. Маданиятнинг ҳам хўжалик ҳисоби асосига ўтказилганига гапиртабий туюлиши мумкин.

Бош ижарачи — колхоз раҳбарлиги раиси Фарход Юсупов ҳар бир мутахассис билан сўзлашиб, шартноманинг у ёки бу бандини келишиб олди. Улар орасида клуб директори Дилором Исоева ва бадий раҳбар Раҳман Нурбеков ҳам бор эди. Колхоз раиси билан бўлиб ўтган музокарадан сўнг улар хўжаликнинг молиявий қўмағига таяниб, янги усулда ишлаб кўришга розилик билдиришди. Вундан қўлланган мақсад аҳоли маданият эҳтиёжларини қондириш, қадимий урф-одатларни, анъаналарни тиклаш, ёш ҳаваскорлар бадий коллективларини тузишдан иборат эди.

Клуб қошида бир неча тўғрақ, вокаль-чолгу ва рақс ансамбллари фаолият кўрсатиб келарди. Бу коллективлар район миқёсидаги конкурсларда кўпинча совринли ўринларга сазовор бўлишган эди. Аммо хўжалик ҳисоби ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш талаб этади. Қишлоқларда маданият оммавий тадбирлар, музика, рақс ансамбллари таъқислиги шартинда ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш учун ҳамма вақт пул топиш мумкин. Аммо асосий камчилик шунда эдики, колхоз санъаткорларида маҳорат, топқирлик, тажриба етишмасди.

Ёш раҳбарлар маслаҳатлашиб, республиканинг кўзга кўринган маданият ва санъат арбобларига мурожаат этишга қарор қилишди. Кимдир Тошкентдан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Композиторлар уюшмасининг аъзоси, ўзи асли самарқандлик Тельман Ҳасановни таклиф қилишни тавсия этди.

Тельман Набиёвич бу таклифга рози бўлибгина қолмай, Ўзбекистон ССР халқ артисти, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Дилафруз Жаборовани ҳам колхозга бориб ишлашга таклиф этди.

Ярим тунача кўндал биринчи иш кунинда музикалик рақс композицияси ва концерт тайёрлаш мақсадида болалар, Эртасангай, — деб ҳўқоқ қилди Тельман Набиёвич. — Ёш артистлар билан қўндал иш бошладик. Болалар қўшиқ ва музикани дарҳол илб олишарди. Лекин буларнинг ҳаммаси осон кўчгани йўқ. Кўп тер тўкишга, йўлга солиш, музика ва қўшиқнинг ўзига хос ҳамда тингловчи қалбига тез етиб борадиган йўлини излаш эди. Буларнинг тушуниришга тўғри келди. Кўндал томони шунданки, қатнашчиларнинг бари концертга чин юракдан тайёрланарди.

— Шахсан мен, — дея сўзбатга қўшилди Дилафруз Жаборова, — ўзим учун халқ ижодиётининг ҳақиқий чашмасини нашоф этдим. Виласизми, бу ўлка истедод

эгаларига нақадар бой экан. Пойтахтда ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, халқ истедодлари ҳақида унутиб қўйибган эканмиз. Биз натта саҳнага олиб чиқарган уша санъатнинг индизлари шулар-ку, ахир. Винобарин, индизлар парвариш қилинмаса, дарахт ҳавон бўлади. Халқ анъаналари руҳи билан йўрилган бу рақселар нақадар жоқибали, ҳаракатларга бой экан.

Уч кундан сўнг бўлажак композициянинг ўзига кўзга янқол ташлади. Раққоса қизларнинг ялманиб қимтин туришлари аста-секин йўқола борди. Интидорли мураббийнинг нозик, маъсум ҳаракатлари уларни ром этиб, рақс қирраларини айнан такоррланга интила бошлади. Тақрибан, моҳир педагогларнинг қўйилгани ва маҳорати орқали ёшларнинг ақсари янги қўшиқ ва рақс оламга кириб келишди. Бу йўлда улар оамунча тер тўкишмади.

Шанба кун Т. Ҳасанов ва Д. Жаборова колхоз раҳбарлари, правление аъзолари, ота-оналарни яқунловчи репетицияга таклиф этишди. Мен ҳам ана шу қизқарди программани кўриш шарафига муяссар бўлдим. Бир ҳафта мунаққад концерт иштирокчиларининг ҳеч бири шундай натижага эришиш мумкинлигига ишонмаган бўлса керак. Ўзига хос саҳналаштирилган рақселар кишига хуш ёвар, қўшиқлар эса авж пардада жанрларди. Ҳар бир қизқандан сўнг гулдурос қарсақлар янгарди.

— Байрам концерти қандай ўтишини тасаввур қилаялман, — дейди ҳаяжонлиб колхоз партия комитети секретари Мукаррама Примкулова. — Тақдир бизни шундай ажойиб нисолар билан болагандан хурсандман.

Концерт ишонсизда томошабинлар сеvimли ишига берилди нетиб, ўзининг 50 йиллик юбилейини буткул унутган Тельман Ҳасановни чин дилдан кутладилар.

Клуб коллективи ҳамда ёшлар яқнаба кунини — хайрлашув чоғида янги тузилган ашула ва рақс ансамблига Ўзбекистон ССР халқ артисти Дилафруз Жаборова номи беришга қарор қилганликларини айтишди. Ҳаяжонланган раққоса ўз навабатида колхоз ҳаваскорларини эътиборсиз қолдирмаслигини, тажриба ва билими билан ёрдан бериб туришини билдирди.

Раҳман Нурбековдан эртанги кун режалари ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Бир ҳафта давомида ўрганганларимиз бизга кўпга етади, — деб жавоб берди у. — Энди колхоз байрамларида, ҳамқишлоқларимиз тўйларида иштирок этиш учун кенг репертуарга эга бўлдик. Ташқаридан ҳеч кимни жалб этмаса ҳам бўлади. Ишончим комил, қўшни колхоз ва совхозлардан бундан буйи пулли концерт қўйиб бериш учун таклифлар туша бошлайдди. Виласиз, клубимиз ижара олинган. Тушган маблағга чолгу асбоблари, кийим-кечак сотиб олишимиз, бинони ремонт қилишимиз мумкин. Пировард натижа колхозимиз ёшларининг бун вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган.

Е. ТАШПИҚКИ.

### КУКЛАМ ФАЗИЛАТИ

Келса баҳор шамоли,  
Очлар кўра-жамоли.  
Кўшлар — кўшлар  
созандаси.  
Бодом гули — баҳор элчиси.  
Уруғ ерга тапланмасдан,  
мевалар гулламасдан олдин  
ёқдан ёмғир фойдалди.  
Дарахт гулласа, мева  
берида  
Оғиз гулласа иғво тиради.  
Баҳор — фасллар  
келинчаги.  
Ерга баҳорда «салом» берсанг,  
кузда «алиқ» олсан.  
Боқсанг боғ бўлар, боқмаганг  
— янтоқ.  
Олтинч ўСАРОВ.

### Назм дафтаридан КУТАР ОНА ЮРТ

Бу даргоҳдан сеvimли дилдор,  
Юр кетамиз, қишлоғимга юр,  
Рашиқ билан яшаш билсанг, ёр  
Менга жуда катта дард, оғир  
Дилин вайрон айламасдан тур,  
Юр кетамиз, қишлоғимга юр.  
Юрак сезар, бир ўзга шарпа —  
Атрофингда айланур гир-гир.  
Гўё сенда илтижо борден —  
Менинг қалбим ўртаниб ёнур,  
Шубҳа эзар дилин вайрондур  
Юр кетамиз, қишлоғимга юр.  
Юрак сезар, атрофингда боқ,  
Яна зимдан кузатар кимдир,  
Сен сезмайсан, бир илтижоингда  
Унинг қалби лағча чўғ бўлур  
Менда эса битди тоқат, тур —  
Юр кетамиз, қишлоғимга юр.  
Кўнгал тинчмас, кўнгал раш, дилдор,  
Қишлоқ кутар бизин интидор,  
Ёр қизганиш демас ҳеч ким ор,

Узилмасни куй авжида тор,  
Кечимайлик қани дилдор, тур,  
Юр кетамиз, қишлоғимга юр.

Бу дунё эрта-кеч қолар сен-мендан,  
Одамзод ҳаётга не учун келган?  
Юрагим қони-ла ёсай, ўнгила —  
Яхшилик қилгани келгандир инсон!

Бировга бахтсизлик тилама,  
Зинҳор!  
Бахтлини, бахтсизни,  
Кўз юмар бир кун.  
Юракнинг дук-дуки  
Ҳаннмат, инсон!  
Хўш, ёмон ниятнинг  
Ўзига нечун?  
Е кўнглин шу билан,  
Топарми ором?

Икки ён кўнглилар талашаркан ер,  
Юз қилмай оғзига келганин дер,  
Кимдир ҳақ, ким ҳоққ билмайман,  
Аямю

Виламан, бу ер — ҳар иккиниси ер.  
Абдуолим ИНОҚОВ.

### Машҳур кишилар ҳаётидан

## ТАНИШУВ

И. В. Гёте Карлов-Варида дам олган пайтда сайрга чиқаркан, бир қарияга тез-тез кўзи тушиб турарди. Бу киши 80 йшларда бўлиб, собиқ австриялик генерал эди. Гёте ёндан ўтиб кетётганида қария ҳар сафар тўхтаб турар ва унга термулиб қароб қоларди. Кунларнинг бирида у Гёте ёнига келиб сўради:

— Сиз Гётегиз, шундайми?  
— Ҳа, топдинга.  
— Веймарликмисиз?  
— Худди шундай, веймарликман.  
— Китоблар ёзгансиз, шундайми?  
— Ҳа, битганман.  
— Айтишларинча, у шөрлар чиройли экан.  
— Ҳа!  
— Кўп ижод қилганмисиз?  
— Ҳа.  
— Ижод қилиш қийинми?  
— Ҳа.  
— Бу нарса кайфиятга, яхши ёб-кишига боғлиқ бўлса керак-а?

— Балки.  
— Бўлмаса Веймарда ўтиравермаслигингиз лозим. Венага келишингиз керак.  
— Ҳа, ҳа, мен ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб кўйган эдим.  
— Кўрапсизми? Венада ҳаммаси яхши. У ерда яхши ёйшади, яхши ичшеди.  
— Ҳа!  
— Ҳа, сизга ўхшаш кишиларни ўзларини яхши тутадиган ва яхши яшайдиган одамлар албатта жон-жон деб қабул қилдилар.  
— Фақат Венага келинг!  
Менга хабар қилинг. Танишларим, қариндошларим бор. Фақат ёзиб юборинг: «Карлови Варида танишган веймарлик Гёте, деб. Бу нарса ёдига солиш учун зарур, чунки мен кўп нарсалар ҳақида бош қотиришим керак.  
— Ўйлаб қўрман.  
— Хўш, менга ана етигич, сиз нималар ёзгансиз?  
— Э, кўп нарсалар. Одам

Атодан тортиб, то Наполеонгача.

— Айтишларинча, машҳур экансиз, шундайми?  
— Ҳа!  
— Афсуски, мен ҳеч нарсани ўқимаганман, қолар, ўзингиз тўғрисида ҳам ҳеч нарса эшитмаганман.  
— Шундайми?  
— Асарларингизнинг қайта ишланган нашрлари босмадан қикдим!  
— Ҳа, бўлмасамчи.  
— Уларнинг тўдирилган нашри ана чоп этилганми?  
— Ишончим комил!  
— Бўлмаса мен сизнинг асарларингизни ҳарид қилмайман. Виласизми, мен фақат охири нашринига сотиб оламан. Айнан бир китобни икки марта сотиб олиш ўқувчининг жигига тағад, ҳар қалай. Шунинг учун муаллиф асарларини сотиб олишдан аввал, унинг вафотини кутганин маълум. Ушандagina мен унинг «Янги, қайта ишланган нашрининг чиқмаслигига амин бўламан. Бу — ҳаётининг темир қонуни. Ундан ҳатто Сиз учун ҳам, жаноб Гёте, четга чиқолмайман.  
Немисчадан  
Б. МАМАТҚУЛОВ таржимаси.

### СПОРТ АХБОРОТИ

#### СУЗИШ

Навойида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон спортчилари ўртасида аънамий мусобақа бўлиб ўтди. Унда айниқса республикаимиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар.

Шахсий биринчиликда тошкентлик Евгений Бендер учта медали кўлга киритди. Бу моҳир спортчи 200, 400 ва 800 метрли масофаларга эркин усулда сузишда голиб чиқди.

«Меҳнат резервлари» вакили Жанна Вологова (Тошкент) 100 ва 200 метрга қалқанча сузишда барча қатнашчиларни орта қолдириб, марра чизинга биринчи бўлиб етиб келди.

Андижонлик Ирина Вншукна ҳам ўз маҳорати ошиб бораётганин намойиш этди. Мамлакат ўсмирлар биринчилигининг совиндори 200 ва 400 метрга комплекс усулда сузишда зафар қучди.

400 ва 1500 метрга эркин усулда сузишда тошкентлик Рустам Иброҳимов галаба қозонди.

#### САМБО

Ўзбекистон ўқувчилар спартакиадасидаги самбо турнири нихосига етди. Қизлар ўртасида ўтказилган бу мусобақада пойтахтликлардан тўққиз нафари совриндорлар сафидан ўрин эгалладди.

48 килограммгача вазнда қатнашган тошкентлик Светлана Апаршева галабага бўлган иродаси учун соврин билан ҳам тақдирланди. Светлана ярим финалгача бўлган икки учрашувда соф галабага эришди.

#### ШАХМАТ

Верлинда халқаро мусобақа бошланди. Илк турдаги Николай Крогиус — Сергей Смагин, Властимил Горт (ГФР) — Узе Бенш (ГФР), Юрий Балахов — Олег Романишин, Гальф Лоу (ГФР) — Луцт Эспинг (ГФР), Стефан Мор (ГФР) — Лотар Фогт (ГФР) партиялари дуранг бўлди.

Иккинчи турда Стефан Морни енгган Луцт Эспинг 1,5 очко тўплаб, пешкадамликни кўлга киритди. Смагин — Фогт, Романишин — Лоу, Крогиус — Горт учрашувларида кучлар тенг келди. Бошқа партиялар кечиктирилди.

#### ТЕННИС

СССР терма командаси жаҳон кубоғи учун стол теннис буйича бўлган илк учрашувда нигерияликларни мағлубиятга учратди — 3:0. Вакилларимиз қатнашган «Д» гуруҳидаги Япония — Дания матчида ҳам шундай ҳисоб қайд этилди.

#### ЧИМ ХОККЕИ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этётган эриқлар командалари ўртасида «Химик» командаси қарвонбошлик қилди. Фарғоналик хоккейчилар 16 имкониятдан 13 очко тўплади. «Химик» ўтган турда «Энергетик» командасидан устун (3:1) келди.

Муҳаррир ўринбосари  
Н. ЕҚУБОВ.

## ОТАХОН

Усубжон ота Содиковнинг ҳаёт йўли ҳам ташиниш, ҳам кувончилик. У Улуг Ватан уруши қатнашчиси, II гуруҳ ноғирони. 1939 йилдан то 1949 йилга қадар Совет Армияси сафарларида хизмат қилган...

Маҳаллада қандай муаммо бўлса, жон куйдириб бажарди. Ҳар бир хонадоннинг осоишталлиги, иссиқ-сувиқдан дом хабардор эканлигини Жапложуқ районидagi Ленин номи колхозда бўлганимизда билдик. Отахон магазин биноси тикланишида, 160 ўринли янги боғча лойиҳа-қўндалларини туздирди ҳам жон куйдирди.

Усубжон ота умр йўлоши Озодхон опа билан 3 киз ва 3 ўғлини тарбиялаб аюга етказишди. Катта қиз Шаҳзода-хон Кўргонтепа шаҳридаги илгизлама комбинатида мастер, 4 нафар фарзанднинг онаси. Эргашхон Андижон трикотаж фабрикасида меҳнат қилади. Мазмуржон такси ҳайдади, Маърифатхон эса колхозда хисобчи. Мадумаржон аҳолига янавий хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди, рафиқаси Селимахон тарбиячи. Кенжа фарзанди Шоҳидохон комсомол комитетининг секретари.

Умри боқий отахоннинг жами набиралари 20 нафар. Халқимизнинг куш уссида кўрганини қилади, деган нақлда жон бор. Шунинг учун бўлса керак, бу хонадонда тарбияланганлар ҳам эл-юртимиз фаровонлиги йўлида ҳелол меҳнат қилмаптли.

М. МИРЗАЕВА.

## „Сунбул“ байрамига хуш келибсиз!

Янгилашган даври кўпгина қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз тилинишига ёрдан бераётган шубҳасиз. Алин вақтда маҳнат элчининг дилини ёритиш, хорлигини чиқариш ва кайфиятини кўтариш учун янгича байрамлар ҳам пайдо бўлаётгани, уларни чин юракдан қутламоқ даркор.

Наманган область Чуст районидagi Тошкўрган қишлоғида ўтган «Сунбул» байрами ана шу янгиликлардан бири эди. Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети, жуамхурят Янгит ва қизларининг сеvimли газетаси — «Ёш ленинчи» редакцияси, область ва район комсомол комитетлари, Навоий номидаги колхоз ёшлари бу сайлга тўйбошлик қилишди.

Сайлоғча ҳар ким ўз тўйбаси билан таширф бўюди. Шоур ҳофизлар, қизқич-ю дорбозлар бу ерга келганларга ях-

ши кайфият улашдилар. Тўра Мирзо ва Муқаддас Абдусаматовнинг шу кун руҳидagi шөрлари, Маҳмуджон Азимов ва Бахтиёр Холтўймаевларнинг дилрабо кўшиқлари, Абдулла Қаҳҳор номидagi республика сатира театрининг бир гуруҳ ижодкорлари икки этан ичмак-узди хангомалар, А. Разақов бошчилигидаги Чуст дорбозларининг чиқшилари Говасой соҳилларига тўпланганларни беинҳоя мамнун қилди.

Эрталаб бошланган «Сунбул» байрами то қош қорейгунча давом этди. Энди у ҳар йили ишониландиган анъангага айланиб қолиши табиий.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.  
Деврон АҲМАД олган суратлар.



## ХАНДА

Ҳасан ака овандан қайтган, хотини шикоят қилди:  
— Бу тулки дегани жуздам хўйқарок махлуқ бўларкан-да.  
— Ҳа, нима бўлди! — қизкиди хотини.

— Бугун биттасини отиб янқитган эдим, акин бориб қарасам, ўринга бизнинг Кўнгални қолдириб, ўзи қочиб қопти, ярамас!

— Яна ичбисиз-да! — дея тергай бошлади хотин эрини. — Ахир, доктор сизга ичмисини қатъиян ман этганди-ку!

— Жонганим, энди у ман этишлар ҳисобга кирмайди. Уша врач кеча пенсияга чиқиб кетди.

Тунда ишдан қайтган Салимни ит қопти. У докторга чопти.

— Нега бемаҳал юрасан! Ярим кеча бўлганин наҳот билмасанг! — жеркиб берди доктор.

— Мен-ку, билман, лекин ит билмай-да, — деди Салим ит тишлаган жойини ушлаб.

— Бу йил дам олишим бироз бошқачарок бўлди.  
— Нима, денгиз бўйлариди саяр этдингми?  
— Йўқ, уйда бўлдим. Денгиз бўйларига онамни эргаштириб хотин кетди.

Тўловчи:  
Едгор ШОЙНАЗАРОВ.

## ТОМОША

Баҳром галстугини тўғрилар экан. Варно унинг елкасига қўлини қўйди. Эрининг кўзгудаги аксига гапиргандай эркаланди деди.  
— Театрга олиб бораман дейсиз-у, олиб бормайсиз. Ўзим бош ролда ўйнасам борасизлар дегансиз, бугун премьерангизни кўрайлик.  
— Ҳа, бош ролда ўйнайман, аямю...  
— Яна, аммоми? Қачондан буйи алдаб келсанг, тўғридан олдин берган ваъдаларингиз қарда қолди? Қизимиз ҳам олти яшар бўлапти.

— Азимам, — деди елкасидagi қўлини устига ўз қўлини қўйиб, — бугун биринчи марта бош ролда саҳнага чиқаман... Яхшиси кейинроқ олиб борай, хўпми?  
Варно қўлини олиб, тескари ўғирлиди. Гапга қиз аралашди.  
— Дадажон, премьеранима?  
— Ҳозир олиб борсалар ҳаммасини битиб олган бўлардик, — исбатқиломо шаъма қилди Варно.  
— Хўп, — майли, кийинлар, биринчи кўни сал далда бўлиб турасизлар менга, хўпми, қизим? Премьерага ёрдан берасан-а?  
Баҳром қизи билан хотинини етаклаб театрга етиб келганда нассанин олдида одам гавжам эди. У хотини билан қизига олдинги қатордан жой олиб берди-да, ўзи гримхонага кириб кетди. Парда очилиши билан шивир-шивирлар тиниб, ҳамма-ўки сукот қолди. Бироздан кейин спектакль бошланди, радио қарнайлар орқали майли куй таралди.  
— Биринчи кўриниш: «Суроқ».  
— Ойи, дадамлар нега

— Ойи, ана дадамлар! Томошабинлар қизга қараб қўлиб қўйишди.  
— Келинг ўртоқ Толипов, уч марта чақиртирсан ҳам йўқсиз, келмайсиз.  
— Кеңирасиз, мен ҳозиргина Москвадан учиб келдим.  
Қизча ўрнидан туриб кетди.  
— Дада, ёлгон гапирманг, ҳозир уйимиздан келдик-ку. — Залда кулгу кўтарилди. Терговчи ҳам беҳиётёр ўздан гап қўшиб юборди. — Бу ёни неча пулдан тушди? — Ҳа, дарвоқе, — вазиятни тўғридан бўлди Баҳром, — олдин уйга келдим, кейин бу ёнида...  
— Шундай қилиб, неча кечқурун Москвада ётганман денг?  
— Ҳа, Москвада... Ҳм...

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида ётганман.  
— Дада, кечқурун уйимизда олим билан ёт...  
Барно беҳиётёр қизанин оғзини ёнди, аммо кечиккан эди. Томошабинлар чин дилдан қулишди. Баҳром эса ўзини йўқотиб қўйди. Терговчи ўрнидан туриб кетди, кулгуси қистади, аммо тилини тишлади.  
— Елгон сизга ярашмас экан, айбонгизини бўйингизга олдинг, магазиндан қиймати минг сўмлик гиламини уйингизга олиб кетганингиз ҳақида бизда далиллар бор.  
— Кеңирасиз, уйимга ҳеч нарса олиб борманг йўқ. Қизча она қўлидан қийиб, яна қичқирди:  
— Дада, кеча гилам олиб келдингиз-ку!

Зал қулгидан тебранди, томошабинлар гоҳ саҳнага, гоҳ қизчага қараб хоҳоларшарди. Вазият кескинлашди. Терговчи ролин Уйнаётган актёр ўрнидан турди-да, залга мурожаат қилди:  
— Гувоҳлик берганин учун раҳмат сента, қизим — сўнг Ваҳромга ўғирлиди. — жиноятингиз исботланди. Қани, авахтага марҳамат.  
Биринчи кўриниш тугади. Барно қизчасини етаклаб уйига жунаб қолди. Афсуски, қизча воқеа давомида, отасининг гувоҳлар билан юзлашувларини кўролмай қолди. Оҳ, онаси қўймади-да, анс ҳолда дадасининг премьерасига анчагина қўмаклаган бўларди.  
Сотилла ҲУСАН.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32  
Телефонлар: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуш бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қўрилиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.  
Р. — 03242. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д. 1194. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12